

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИКЛАЙМАН”  
ЎзЖОКУ ректори

Ш.Кудратходжаев

2020 йил “25”

июнь



“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2020 йил “25”

июнь

5220100 – ЖУРНАЛИСТИКА (ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА):

5220100 – БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ  
ЖУРНАЛИСТИКАСИ;

5220100 – ЖУРНАЛИСТИКА: ТЕЛЕРАДИО ЖУРНАЛИСТИКАСИ;

5220100 - ЖУРНАЛИСТИКА: ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА;

5220100 - ЖУРНАЛИСТИКА: ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА;

5220100 - ЖУРНАЛИСТИКА: СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ;

5220100 - ЖУРНАЛИСТИКА: ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТИКА;

БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ИЖОДИЙ (КАСБИЙ)  
ИМТИҲОНЛАР ДАСТУРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Тузувчилар:

А.Ж.Матякубов – ЎзЖОКУ ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори, филология фанлари номзоди.

А. Нурматов – ЎзЖОКУ Босма ОАВ ва ноширлик иши факультети декани, ф.ф.н, доцент.

Такризчилар:

Н. Муратова – ЎзЖОКУ илмий ва инновацион ишлар бўйича проректори, филология фанлари номзоди, доцент

Ў.Мирзаёров – “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

Л. Тошмухамедова – ЎзЖОКУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.

## Кириш

5220100 – Журналистика (фаолият турлари бўйича); 5220100 – Босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси; 5220100 – Журналистика: Телерадио журналистикаси; 5220100 - Журналистика: интернет журналистика; 5220100 - Журналистика: Халқаро журналистика; 5220100 - Журналистика: Спорт журналистикаси; 5220100 - Журналистика: Ҳарбий журналистика таълим йўналишларида ижодий имтиҳон ўтказишдан мақсад, абитуриентда мазкур соҳада талаб этиладиган ижодий қобилият, мустақил фикрлаш маҳорати, далиллаш ва хулосалар чиқариш каби сифатларнинг мавжудлигини ҳамда унинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини аниқлашдир. Ижодий имтиҳон жараёнида абитуриентларнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратилади:

- Ижодкорлик қобилияти;
- Ижтимоий муаммоларни қай даражада англай олиши;
- ОАВда ёритилаётган долзарб мавзулар ва муаммолардан хабардорлиги;
- Дунёқарашининг кенглиги, қизиқишлари доираси;
- Касбни танлаш сабаблари;
- Ахборот хизматлари ва ПР соҳаси мутахассиси бўлишга мойиллиги;
- Мустақил фикр юритиши;
- Ёзма саводхонлик даражаси;
- Ўз фикрини эркин, аниқ, мантикли ва изчил ифода этиш маҳорати;
- Ёзма мулоқотга мойиллиги.

## Ижодий имтиҳоннинг тузилиши

Ижодий имтиҳон эссе шаклида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- эссе мавзулари ҳозирги кун муҳим ижтимоий-сиёсий, адабий-тарихий, маданий-маънавий, ахлокий, ватанпарварлик ва бошқа долзарб масалаларига бағишланганлиги ҳамда журналистик хусусиятга йўналтирилган ва абитуриентнинг ижодий имкониятларини очиб беришга қаратилган бўлиши назарда тутилади ва фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан тузилади. Мавзулар олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг раиси томонидан тасдикланади ҳамда муҳрланган махсус конвертда қатъий ҳисобот ҳужжатлари сифатида сакланади;

- қабул комиссиясининг раиси ёки унинг топшириғи билан раис ўринбосари ижодий имтиҳон бошланишидан 20 дақиқа аввал фан бўйича имтиҳон комиссиясининг раисига эссе мавзулари солинган конвертларни топширади ва фан бўйича комиссия аъзоларини имтиҳон топширувчи гуруҳларга тақсимлайди;

- ижодий имтиҳони ўтказилиши учун 1.30 астрономик соат вақт белгиланади;

- ижодий иш саҳифалари муҳрланган 12 варақли дафтарга ёзилади, қоралама учун ҳам саҳифалари муҳрланган қоғозлар берилади. Эссе ёзилган дафтар ва қоғозларда ёзма иш муаллифини билдирувчи, шартли белгиларнинг қўйилишига йўл қўйилмайди;

- Эссенинг ҳажми 5 бетдан кам бўлмаслиги керак;

- ижодий имтиҳон учун белгиланган вақт тугагандан сўнг, ёзма ишлар қораламалари билан бирга йиғиб олинади ва масъул котибга ёки унинг муовинига топширилади;

- масъул котиб ёки унинг муовини ёзма ишларни шифрлаб, фан бўйича имтиҳон комиссиясининг раисига текшириш учун топширади;



- ёзма ишлар фақат олий таълим муассасаси биносида ва фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан текширилади;
- текширилган эсселарга қўйилган баллари ва текширувчиларнинг имзолари билан қабул комиссиясининг масъул котиби ёки унинг муовинига топширилади;
- масъул котиб ёки унинг муовини эсселарни дешифровка қилиб, имтиҳон қайдномасига абитуриентларнинг фамилиялари ва олган балларини киритади;
- эссега қўйидаги йўналишлардан келиб чиқиб мавзулар белгиланади: ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ватанпарварлик, миллий ифтихор ва соғлом турмуш тарзи.
- ижодий имтиҳон натижалари икки кундан сўнг эълон қилинади.

#### Ижодий имтиҳонни баҳолаш мезонлари

Ижодий эссени баҳолаш икки тизимли: мазмуни ва матн хатоларига қараб баҳоланади.

Ижодий имтиҳонда тўплаш мумкин бўлган умумий максимал балл миқдори - **93 балл**.

#### Эссени баҳолаш мезонлари

**Ижодий имтиҳонни баҳолаш мезонлари:** ( мазмуни – максимал 30 балл; имловий ва услубий хатолар – максимал 63 балл)

| №  | Баллар қўйиш мезонлари:                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | Максимал баллар |                |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|----------------|
| 1. | А) Мавзу саёз очилган, рақам ва далиллар етарлича келтирилмаган бўлса бўлса – 3 - 5 баллгача, абитуриентнинг мавзу юзасидан тасаввури юзаки, фикрлаш доираси тор бўлса, ишда эркин таъсирли баён бўлмаса – 0 – 2 баллгача;                                                                                                        | 0 - 5           | Жами: 17 балл. |
|    | Б) 12 тадан ортиқ услубий ва имловий хатолар мавжуд бўлса - 0 - 7 баллгача, ишда қўпол услубий ва имловий хатолар учрамаса 8 – 12 баллгача                                                                                                                                                                                        | 0-12            |                |
| 2. | А) Мавзу муайян даражада очилган, рақам ва далиллардан биров фойдаланилган бўлса-да, абитуриентнинг ифодада бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишга интиланлиги кўриниб турса – 10-12 баллгача, таҳлил қилишга ҳаракат қилганлиги сезилиб турса-ю, аммо таҳлилда мантикий хулосалар чиқаришда ожизлиги сезилса – 6 - 9 баллгача; | 6-12            | Жами: 36 балл. |
|    | Б) орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони 10 тагача бўлганда - 13 – 19 баллгача бўлган доирада баҳоланади; ишда қўпол услубий ва имловий хатолар учрамаса - 20 – 24 баллгача;                                                                                                                                 | 13-24           |                |
| 3. | А) мавзу анча теран очиб берилган, рақам ва далиллардан ўринли фойдаланилган ҳамда таҳлил қилиш, мантикий хулосалар чиқаришда иқтидор                                                                                                                                                                                             | 13-17           | Жами: 52балл.  |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |       |                      |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|----------------------|
|    | намоён этилган бўлса, тил ва услубда равонлик ва образлилик, фикр-мулоҳазаларни эркин ифодалаш сезилса - 15–17 баллгача; мавзу бир оз очилган, абитуриентнинг фикрлаши ўртадан пастроқ, журналистикани яхши тушунмагани сезилса - 13-14 баллгача;                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |       |                      |
|    | Б) Орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони 6-9 та бўлганда - 25 – 30 баллгача, ишда қўпол услубий ва имловий хатолар учрамаса - 30 – 35 баллгача бўлган доирада баҳоланади;                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | 25-35 |                      |
| 4. | А) мавзу анча теран очиб берилган, рақам ва далиллардан ўринли фойдаланилган, таҳлил ва мустақил умумлашмалар чиқаришга интилиш, мавзунини очишда, мантикий фикрлашда ҳаракат кўзга ташланса, тил ва услубда равонлик, образлилик, фикр-мулоҳазаларни эркин ифодалаш кўриниб турса, айрим муаллифларнинг мазкур мавзу юзасидан билдирган фикрлари мантиқли далиллар билан рад этилса ёки танқид қилинган бўлса - 22 – 25 баллгача; далиллар биров етишмаса, услубда оксашлар учраса, таҳлил у қадар теран бўлмаса - 18 – 21 баллгача доирада баҳоланади. | 18-25 | Жами:<br>76<br>балл. |
|    | Б) ишда услубий ва имловий жиҳатдан унча муҳим бўлмаган хатоларга йўл қўйилган бўлса, ижодий иншо – 47 - 51 баллгача; орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони - 4-5 та бўлганда - 36 – 46 баллгача бўлган доирада баҳоланади;                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | 36-51 |                      |
| 5. | А) мавзу теран ва ҳар томонлама очиб берилган, рақам ва далиллардан маҳорат билан фойдаланилган, мантикий, таҳлилий хулосалар, умумлашмалар чиқариш қобилияти яққол намоён бўлган бўлса, тил ва услубда равонлик, образлилик, фикр-мулоҳазаларни эркин, аниқ ифодалаш кўриниб турса, мазмунга мос шакл танланган, ижодий ишда ўринли тарзда танқидий                                                                                                                                                                                                     | 26-30 | Жами:<br>93<br>балл. |



|  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |       |  |
|--|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|--|
|  | <p>мулоҳазалар билдирилган бўлса, мазмунни очишда абитуриентнинг мустақил фикрлаш қобилияти аниқ кўриниб турса - 29 – 30 баллгача; ишда умумий хулосалар етишмаса, фикрларни умумлаштиришда мантиқ оқсаса, фикрлар синтези камроқ бўлса - 26 – 28 баллгача баҳоланади.</p> <p>Б) Ишда услубий ва имловий хатолар учрамаса, ижодий иншо - 59 - 63 баллгача бўлган доирада баҳоланади; орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони 3-4 та бўлса – 52 - 58 баллгача баҳоланади.</p> | 52-63 |  |
|--|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|--|

Ижодий имтиҳонда тўпланган баллар умумлаштирилиб, ягона балл сифатида кайдномага киритилади. Кайднома белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, масъул котиб ёки унинг муовинига тақдим этилади.

#### **Ижодий имтиҳон натижаларини апелляция қилиш тартиби**

Ижодий иш натижалари бўйича апелляцияга аризалар фақат имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат мазмунида фақат ўзининг ижодий иши ва баллари хусусида эътироз бўлса, қабул қилинади. Лекин бошқа абитуриентлар ишлари ва баллари ҳақида ёзилган шикоят аризалари қабул қилинмайди.

Ижодий иш ёзилган дафтар расмий ҳужжат сифатида белгиланган муддатгача сақланади. Ундан шахсий мақсадларда нусха олиш, уни суратга тушириш ва имтиҳонлар ўтказилаётган ҳудуддан олиб кетиш мумкин эмас.

Апелляция қилиш жараёнида абитуриентга қўшимча савол беришга рухсат берилмайди.

Ижодий имтиҳонда олинган баҳони ўзгартириш фақат фан бўйича комиссиянинг розилиги билан ва фақат апелляция қилувчи абитуриент иштирокида олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан амалга оширилади.

Ижодий имтиҳон ўтказилишига қадар апелляцияга ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиблари абитуриентлар эътиборига етказилади.

#### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz) 07.02.2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. – Т., “Ўзбекистон”. 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // “Халқ сўзи” газетаси 2019 йил 27 июнь.
6. Дўстмухаммад Х. Журналист бўлмоқчимисиз?: “Ўзбекистон”, Тошкент - 2020.
7. Тошев Ф. Журналистнинг нони қаттиқ. – Тошкент, 2009.
8. Жабборов Ш. Ўзбекистонда ким яхши яшайди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
9. Жуманова С. “Журналистика: абитуриентлар учун ижодий имтиҳон қўлланмаси”. “Зиё нашр”, Тошкент – 2019.